

**СЎЗ САНЪАТИ  
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ  
4 ЖИЛД, 3 СОН**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ  
ИСКУССТВО СЛОВА  
ТОМ 4, НОМЕР 3**

**INTERNATIONAL JOURNAL  
OF WORD ART  
VOLUME 4, ISSUE 3**



**Бош муҳаррир:**

**Холбеков Муҳаммадҷон**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**

**Тўхтасинов Илҳом**

ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

**Таҳрир хайъати:**

**Назаров Бахтиёр**

академик. (Ўзбекистон)

**Якуб Умарўгли**

ф.ф.д., профессор (Туркия)

**Алмаз Улви Биннатова**

ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

**Бокиева Гуландом**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Миннуллин Ким**

ф.ф.д., профессор (Татаристон)

**Махмудов Низомиддин**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Керимов Исмаил**

ф.ф.д., профессор (Россия)

**Жўраев Маматқул**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Куренов Рахыммамед**

к.ф.н. (Туркменистон)

**Кристофер Жеймс Форт**

Мичиган университети (АҚШ)

**Умархўжаев Мухтор**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Мирзаев Ибодулло**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Болтабоев Ҳамидулла**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Дўстмухаммедов Хуршид**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Лиходзиевский А.С.**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Сиддикова Ирода**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Шиукашвили Тамар**

ф.ф.д. (Грузия)

**Юсупов Ойбек**

масъул котиб, доцент (Ўзбекистон)

**Главный редактор:**

**Холбеков Муҳаммадҷон**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Заместитель главного редактора:**

**Тухтасинов Илҳом**

к.ф.н., доцент (Ўзбекистон)

**Редакционная коллегия:**

**Назаров Бахтиёр**

академик. (Ўзбекистон)

**Якуб Умар оглы**

д.ф.н., профессор (Туркия)

**Алмаз Улви Биннатова**

д.ф.н., профессор (Азербайджан)

**Бакиева Гуландом**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Миннуллин Ким**

д.ф.н., профессор (Татарстан)

**Махмудов Низомиддин**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Керимов Исмаил**

д.ф.н., профессор (Россия)

**Джураев Маматқул**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Куренов Рахыммамед**

к.ф.н. (Туркменистон)

**Кристофер Джеймс Форт**

Университет Мичигана (США)

**Умархаджаев Мухтар**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Мирзаев Ибодулло**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Балтабоев Ҳамидулла**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Дустмухаммедов Хуршид**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Лиходзиевский А.С.**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Сиддикова Ирода**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Шиукашвили Тамар**

д.ф.н. (Грузия)

**Юсупов Ойбек**

отв. секретарь, доцент (Ўзбекистон)

**Editor in Chief:**

**Kholbekov Muhammadjan**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Deputy Chief Editor**

**Tuhtasinov Ilhom**

Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

**Editorial Board:**

**Bakhtiyor Nazarov**

academician. (Uzbekistan)

**Yakub Umarogli**

Doc. of philol. sci., prof. (Turkey)

**Almaz Ulvi Binnatova**

Doc. of philol. sci., prof. (Azerbaijan)

**Bakieva Gulandom**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Minnulin Kim**

Doc. of philol. sci., prof. (Tatarstan)

**Mahmudov Nizomiddin**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Kerimov Ismail**

Doc. of philol. sci., prof. (Russia)

**Juraev Mamatkul**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Kurenov Rakhimmamed**

Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

**Christopher James Fort**

University of Michigan (USA)

**Umarkhodjaev Mukhtar**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Mirzaev Ibodulla**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Boltaboev Hamidulla**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Dustmuhammedov Khurshid**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Lixodzievsky A.S.**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Siddiqova Iroda**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Shiukashvili Tamar**

Doc. of philol. sci. (Georgia)

**Yusupov Oybek**

Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior Secretary

# МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

## Адабиётшунослик

- 29. Джурабаева Махигуль Джураевна, Бабаджанова Татьяна Балтабаевна**  
АСПЕКТЫ РОМАНА В. НАБОКОВА "ЛОЛИТА".....5
- 30. Матёкубова Тозагул Ражаповна**  
МИЛЛИОНЛАР ҚАЛБИГА ПАЙВАНД ШЕЪРИЯТ.....13
- 31. Ражабова Маърифат Бақоевна**  
АЛИШЕР НАВОЙИНИНГ АБДУРАҲМОН ЖОМИЙГА  
БАҒИШЛАНГАН МАРСИЯЛАРИ.....19
- 32. Камолов Ихтиёр Нигматуллаевич**  
"САОДАТ СОҲИЛИ" ВА ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДА БОБУР ОБРАЗИ ТАЛҚИНИ.....27
- 33. Ҳасанова Барно Юсуповна**  
АСҚАД МУХТОР ИЖОДИДА АМИР ТЕМУР ОБРАЗИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ.....34
- 34. Аҳмедова Шоира Нематовна, Назарова Дилнавоз**  
АДАБИЙ ПОРТРЕТ ЖАНРИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ ХУСУСИДА.....40
- 35. Очилов Озоджон Мардиевич**  
ХИТОЙ АДАБИЁТИДА РАМЗИЙ ОБРАЗЛАР ПАЙДО БЎЛИШИНИНГ  
ТАРИХИЙ-МАЪНАВИЙ ИЛДИЗЛАРИ.....50

## Линводидактика

- 36. Hamidova Madinabonu Abduboriyevna**  
COMMUNICATIVE SYSTEM-ACTIVITY APPROACH TO TEACHING ENGLISH.....58
- 37. Yakubova Feruzakhon Askarovna, Musadjanova Gulchekhira Abdumanapovna**  
PROBLEMS OF TEACHING RUSSIAN TO STUDENTS OF TECHNICAL UNIVERSITIES...64

## Тилшунослик

- 38. Satimova Dilafruz Numonjonovna**  
DIALECTISMS AND THEIR EXPRESSIONS IN SPEECH IN  
ENGLISH AND UZBEK SUBSTANDARTS.....69
- 39. Leyla Eshkuvatovna Holmuradova**  
SPECIFIC POINTS CONCERNING THE FIGURATIVENESS OF LANGUAGE  
UNITS IN ENGLISH AND FRENCH LANGUAGES.....75
- 40. To‘rayeva Dildora Anvarovna**  
O‘ZBEK TILIDAGI SHAXSIY YOZISHMALARDA NOADABIY LEKSIK  
UNSURLARNING QO‘LLANISHI VA LINGVISTIK EKSPERTIZADAGI AHAMIYATI.....80
- 41. Egamnazarova Durdona Shukhratillaevna**  
PRAGMATICS OF EXPRESSIVE FORMS  
(Analytical view into exclamatory sentences in English).....86
- 42. Mamajonov A.V.**  
LINGVOPRAGMATIC AND LINGVOCULTURAL STUDY OF  
THE SEMANTIC FIELD "HAND" IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES.....95

<b>43. Холиёров Ўрал Менглиевич</b> ТАЪЛИМИЙ КОРПУС УЧУН МОРФОЛЕКСИКОННИ ШАКЛЛАНТИРИШ.....	100
<b>44. Muhammad Humayun Nadim</b> SHIMOLIY AFG‘ONISTON O‘ZBEKLARI ETNOGRAFIK LEKSIKASI O‘ZIGA XOSLIGINI BELGILOVCHI OMILLAR.....	107
<b>45. Нурмухаммедов Баходир Шакарбоевич</b> ҚЎШРАБОТ ТУМАНИ ТОПОНИМЛАРИНИНГ ЛИСОНИЙ ТАҲЛИЛИ.....	114
<b>46. Sodiqova Yulduz Furqatovna</b> PHILOLOGICAL ANALYSIS OF THE TEXT AS A MEANS OF FORMING TEXTUAL COMPETENCE.....	120
<b>47. Тураева Дилбар Мейлиевна</b> ПРЕЦЕДЕНТ ХОДИСА ВА МАТН ТУШУНЧАЛАРИ.....	126
<b>48. Jalilova Miray Rustambekovna</b> THE STUDY OF TERMS AND TERMINOLOGY OF ARCHITECTURE IN LINGUISTICS...131	
<b>49. Абулкасимова Нодира Мирзакаримовна</b> ЭВФЕМИСТИЧЕСКАЯ РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ КОНЦЕПТА “POVERTY” В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ТЕКСТЕ.....	137
<b>50. Z. Djabbarova</b> VARIOUS DEFINITIONS OF THE TERM "LITOTES" IN THE LINGUISTIC LITERATURE.....	146
<b>51. Зайрова Қаншайым Муратбаевна</b> ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА КИЙИМ-КЕЧАК НОМЛАРИНИНГ ЛЕКСИК–СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	151
<b>52. Муратова Дилором Махмудовна</b> ТУРИЗМ ТЕРМИНОЛОГИЯСИНИ ШАКЛЛАНИШИ.....	158
<b>53. Турсунова Мая Эркиновна</b> ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИҚДА СЛЕНГ – МУСТАҚИЛ ҲОДИСА СИФАТИДА.....	164
<b>54. Назарова Саида Ахмеджановна</b> ТИББИЙ РЕКЛАМА МАТНИНИНГ ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	169
<b>55. Алимова Севара Фарҳадовна</b> ХИТОЙ ТИЛИ ОМОНИМЛАРИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ ҲАҚИДА.....	179
<b>56. Календерова Аксунгул Мамутовна</b> ҚОРАҚАЛПОҚ БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОРИГА ОИД МУСТАҚИЛЛИК ДАВРДА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР.....	186
<b>57. Ахунов Мукумжон Мухаммадаминович</b> «ЖИНОЯТ»-«CRIME» ЛЕКСЕМАСИ МАЪНОДОШЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....	195
<b>58. Ғайбуллаева Нафиса Иззатуллаевна, Наврўзова Муяссар Ғайбуллаевна</b> ЎЗБЕК ТИЛИДА ТИББИЙ ЭВФЕМИЗМЛАРНИНГ ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ...202	
<b>59. Юлдашева Дилором Нигматовна, Назарова Дилноза Ғуломовна,</b> ЎЗБЕК ТИЛИ ЛУҒАТ БОЙЛИГИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ЛЕКСИКОГРАФИК МУАММОЛАР.....	212

# СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Юлдашева Дилором Нигматовна,  
Бухоро давлат университети профессори  
Назарова Дилноза Ғуломовна,  
Бухоро давлат университети таянч докторанти

## ЎЗБЕК ТИЛИ ЛУҒАТ БОЙЛИГИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ЛЕКСИКОГРАФИК МУАММОЛАР

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-3-59>

### АННОТАЦИЯ

Тил ҳамиша тараққиётда эканлигини биламиз. У ўз қонуниятлари асосида яшайди, ривожланади, истеъмол қолипига мосларини саралайди, «кераксизларини архивлайди». Ўрни келганда, муайян бирликларнинг янги муқобилларини қабул қилади ёки ўз ички имкониятлари асосида хилма-хил бирликларни ясайверади. Фикримизча, тилнинг баъзан инсон ақлини шоширадиган даражадаги қудрати ҳамда умумийлик, моҳият, имконият, сабаб характерли эканлиги ҳам шу ўринда яққолроқ намоён бўлади. Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, жамиятдаги янгиланишлар, энг аввало, тилда ўз аксини топиши табиий ҳол.

Ўзбек жамияти ўз миллий мустақиллигига эришгач ижтимоий турмушнинг барча жабҳаларида, жумладан, таълим, тиббиёт, иқтисодиёт соҳаларидаги туб ўзгаришлар ўзбек тили лексикасига янгидан-янги лексик бирликларнинг кириб келишига сабаб бўлди ва сабаб бўлмоқда. Шу сабабли айрим лексик бирликлар ўзбек тили луғат бойлигининг фаол қатлаמידан нофаол қатламга ўта бошлади, айти пайтда яқин кунларгача нофаол бўлган бир қатор сўзлар ва турғун бирикмалар эса фаол қатламга ўтди. Мазкур жараёнларни ўзбек лексикографияси қай даражада қамраб олишга улгурди? Бу жараёнлар ўзбек тилининг луғат бойлигини ошириш билан бир қаторда миллий тилнинг асоси бўлган умумтуркий сўзлар миқдорига салбий таъсир кўрсатмайдими?

Мақолада мазкур муаммолар ечимига ўзбек тили луғат бойлигининг мустақиллик йилларидаги тараққиёти нуқтаи назаридан ёндашилади.

**Таянч сўзлар:** *тил, нутқ, жамият, ижтимоий турмуш инъикоси, умумтуркий қатлам, ўзлашган қатлам, тил тараққиёти ва лексикография, лексикографик муаммолар*

Юлдашева Дилором Нигматовна,  
профессор Бухарского государственного университета  
Назарова Дильноза Ғуломовна,  
базовый докторант Бухарского государственного университета

## РАЗВИТИЕ ЛЕКСИКИ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ И ЛЕКСИКОГРАФИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ

**АННОТАЦИЯ**

Мы знаем, что язык постоянно развивается. Он живет по своим законам, развивается, сортирует по образцу потребления, «архивирует ненужное». Когда приходит время, он принимает новые альтернативы определенным юнитам или строит другие юниты на основе собственных внутренних возможностей. На наш взгляд, сила языка, который иногда подавляет человеческий разум, и тот факт, что он характеризуется общностью, сущностью, возможностью и разумом, здесь еще более очевиден. Естественно, что изменения в общественной жизни, нововведения в обществе, прежде всего, отражаются на языке.

После обретения узбекским обществом национальной независимости радикальные изменения во всех сферах общественной жизни, включая образование, медицину, экономику, привели к введению новых лексических единиц в лексику узбекского языка. Поэтому некоторые лексические единицы начали перемещаться из активного слоя лексики узбекского языка в неактивный, а ряд слов и фиксированных соединений, которые до недавнего времени были неактивными, переместились в активный слой. Насколько узбекская лексикография смогла охватить эти процессы? Неужели эти процессы не только увеличивают словарный запас узбекского языка, но и отрицательно сказываются на количестве общетюркских слов, составляющих основу национального языка.

В статье рассматривается решение этих проблем с точки зрения развития лексики узбекского языка за годы независимости.

**Ключевые слова:** язык, речь, общество, восприятие общественной жизни, общетюркский слой, ассимилированный слой, языковое развитие и лексикография, лексикографические проблемы

**Yuldasheva Dilorom Nigmatovna,**  
professor of Bukhara State University  
**Nazarova Dilnoza Gulomovna,**  
basic doctoral student of Bukhara State University

**DEVELOPMENT OF LEXICS OF THE UZBEK LANGUAGE IN THE YEARS OF INDEPENDENCE AND LEXICOGRAPHIC PROBLEMS****ANNOTATION**

We know that language is constantly evolving. He lives according to his own laws, develops, sorts according to the pattern of consumption, “archives the unnecessary”. When the time comes, he adopts new alternatives to certain units or builds other units based on his own internal capabilities. In our opinion, the power of language, which sometimes suppresses the human mind, and the fact that it is characterized by generality, essence, possibility and reason, is even more obvious here. Naturally, changes in social life, innovations in society, are primarily reflected in the language.

After the Uzbek society gained national independence, radical changes in all spheres of public life, including education, medicine, economy, led to the introduction of new lexical units into the vocabulary of the Uzbek language. Therefore, some lexical units began to move from the active layer of the vocabulary of the Uzbek language to the inactive one, and a number of words and fixed connections, which until recently were inactive, moved to the active layer. To what extent was the Uzbek lexicography able to cover these processes? Do these processes not only increase the vocabulary of the Uzbek language, but also adversely affect the number of common Turkic words that form the basis of the national language?

The article discusses the solution of these problems from the point of view of the development of the vocabulary of the Uzbek language over the years of independence.

**Key words:** *language, speech, society, perception of social life, general Turkic stratum, assimilated stratum, linguistic development and lexicography, lexicographic problems*

Ер шаридаги исталган миллат, элат ёки мамлакатнинг тарихий тараққиётини белгиловчи асосий омиллардан бири миллат тили масаласидир. Чунки давлат

суверенитетининг асосий тамойиллари ҳамisha миллий тил ва унинг ёзувига эгалик даражаси билан боғланаверади. Жаҳон тажрибасидан маълумки, миллий тилга муносабат мамлакатдаги ҳукмрон мафкура билан узвийликда турли даврларида турлича бўлади. Ҳар қандай шароитда ҳам халқ тилининг миллий табиатини сақлаб қолиш ўта муҳим.

Миллий истиқлол ўзбек халқи тарихида янги саҳифа очди. Ўзбекистон тарихан қисқа давр ичида ривожланаётган давлат сифатида дунё ҳамжамятида танилди; жаҳонда унинг маданияти, асори-атиқалари, тарихи, урф-одати, табиийки, тилига бўлган қизиқиш ҳам кучайди. Бу борада ўзбек тилининг давлат расмий тили мақомини олиши унинг истеъмол доирасини бир қадар кенгайтди. Табиийки, бу ўзбек тилшунослиги, чоғиштирма тилшунослик ҳамда ўзбек тили таълими зиммасига катта масъулият юклади.

XXI асрнинг учинчи ўн йиллигига келиб бугун жаҳонда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам тараққиёт суръати бениҳоя тезлашди, давр кишиларининг интеллектуал салоҳияти, тафаккур дунёси кенгайди. Бугун фақат телевидение ёки радио маълумотигагина ишониб ўтирадиган кишини топиш мушкул. Зеро, техника тараққиётининг мисли кўрилмаган даражада юксалиши тараққиёт ғилдирагини ҳар қачонгидан кўра тезроқ айланишига сабаб бўлмоқда. Глобаллашув даври, техника асрида миллий тилларнинг ўзлигини сақлаб қолиши ҳам осон кечмайди. Ахборот манбалари бугунги кунда шу қадар кўп, ранг-баранг ва такомиллашганки, бу қулайлик, бу замонавийлик ижтимоий турмушимизгагина эмас, миллий тилимизга ҳам “бостириб кирмоқда”.

Демак, жамиятдаги ҳар қандай ўзгариш, биринчи навбатда, тилда ўз аксини топган ва шундай бўлиб қолаверади. Абдурауф Фитрат “Адабиёт коидалари” китобида ўзбек тили луғат бойлигининг тараққиёти масаласига тўхталиб шундай ёзган эди: “Дунё ўзгариб туради. Ҳаёт кундан кунга янгилашиб борадур. Юз йил бурунги ота-боболаримизнинг тушларига ҳам кирмаган бир кўп ҳодисалар, нарсалар майдонга чиқиб туради. Биз буларнинг отларини ё янгидан ясаймиз (*учғич, уюшма, бошқарма* каби) ё худ ётлардан олармиз (электрик, телефон, пойизд каби) ё унутилиб кетган эски сўзларимизни янгидан тиргизамиз (*курултой* каби). Шулу уч йул билан янги сўзлар киргизишни қабул этмасак, тилимизни бойимоқдан тўхтатган бўламиз” [2].

Соф ижтимоий ҳодисалар сирасида турувчи тилнинг ўзгариши, ривожланиши ҳам бевосита жамият тараққиёти билан қадам-бақадам, нафасма-нафас боғлиқлигини асло инкор этиб бўлмайди. Ўзбек халқи ҳаётидаги глобал ўзгаришлар унинг тили лексикасига сезиларли таъсир кўрсатаётганлигини кузатиш мумкин.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳар қандай тилнинг ривожланиши дастлаб икки омилга – лисоний ва нолисоний омилларга таянади [13].

Лисоний (лингвистик) омиллар дейилганда тилнинг ички имкониятлари, сўз ясашиши моделлари ва усуллари, маъно ривож, грамматик қурилиши, фонетик тизими улардаги ўзига хосликлар назарда тутилади. Ҳар қандай тилнинг структурасида юз берадиган ўзгаришлар биринчи галда ана шу омилларга таянади.

Нолисоний (экстралингвистик) омиллар дейилганда тилдан ташқаридаги турли система ва структуралар – ижтимоий тузум, онг, тафаккур илм-фан, техника, урф-одат, иқтисод, ишлаб чиқариш каби соҳалар, бундай соҳаларда тадрижий равишда бўлиб турадиган ўзгаришлар, муайян тил структурасига бошқа тилларнинг таъсири каби ҳодисалар назарда тутилади [3].

Тил тараққиётини белгиловчи лисоний ва нолисоний омиллар натижасида лексикада бир томондан янги сўз ва атамаларнинг юзага келишин таъминласа, иккинчи томондан, тилдаги муайян фаол лексика истеъмолини сусайтиради. Масалан,

**даллолик (даллол) – брокерлик (брокер)**

*Даллолик* лафзи, кўпинча, ким ошди савдосида ишлатилади. Машойиҳлардан бири Абяний “Даллолик масалалари” сарлавҳаси остида кўп гапларни айтган. Шунингдек, баъзи фуқаролар ким ошди савдосини **даллолик савдоси** деб ҳам номлашган. “Лисонул араб” номли луғат китобида *даллолик* (البيشمارة) аслида форсча сўз бўлиб, кейинчалик арабийлашиб кетганлиги айтилади. **Даллол** деб даладан келган одамнинг молини сотиб беришига вакил

бўлган ўтроқ кишига айтилади. У даладан келган кишининг фойдаси учун савдо қилиб беради. (<https://islom.uz>)

Фиқҳ китобларимизда “самсара” (даллолик), “симсор” (даллол) лафзлари истеъмолад қилинади. Даллол деб кимнингдир сотишига, кимнингдир сотиб олишига ёрдам берувчи, сотувчи ва олувчининг ўртасини боғловчи кишига айтилади. Даллол гоҳида сотувчи тарафидан, гоҳида олувчи тарафидан, гоҳида эса иккиси тарафидан ҳам вакил бўлади.

Ҳозирги кунда даллол деганда брокер, маклер, агент, воситачи кабилар ҳам тушунилади.

**Брокер** (ўртада туриб воситачилик қилувчи, даллол, маклер) товар, валюта, савдо биржаларида олди-сотди битимлари тузишида воситачилик (даллолик) қиладиган айрим шахс ёки корхонадир.

**Даллол** – савдо-сотиқда олувчи билан сотувчи ўртасида воситачилик қилувчи, молга нарх қўйиб, уларни келиштирувчи киши (“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”дан). (<https://fiqh.uz>)

Қўшилган қиймат солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибида 15 фоизли ставканинг қўлланилиши **брокерлик** хизматида қандай бўлади? Шу ҳақида батафсил маълумот берсангиз. (<http://splus.uz/>)

Товарнинг божхона қиймати божхона қиймати декларациясини тўлдирган ҳолда товарларни декларациялашда декларант ёки божхона **брокери** томонидан божхона органига маълум қилинади. ([tps://www.customs.uz](https://www.customs.uz))

Мисолларга эътибор қаратсак, ўзбек тилида **брокер, брокерлик, маклер, маклерлик, агент, агентлик, воситачи, воситачилик** каби бирликларнинг қўлланилиши даллол, даллолик лексемаларининг қўлланилиш доирасини ниҳоятда чеклаб қўйди.

Халқ таълими соҳасидаги, соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар ёки ўзбек жамиятининг бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни ҳам ўзбек тилининг луғат бойлигида жиддий ўзгаришлар ясади. Ўзбек тилига кириб келаётган лексиканинг таъсирини икки томонлама баҳолаш ўринли. Булар –

1) 1920-1990 йиллар оралиғида ўзбек луғат бойлигига рус тили таъсирида ўзлашган (аслида, ўзлашиш зарурати бўлмаган) лексик бирликлар ўрнини тилнинг ички имкониятида мавжуд бўлган бирликларнинг эгаллаши (одатда, ижобий баҳога лойиқ ҳолат): Масалан,

**мавзу** (тема), **режа** (план), **матн** (текст), **хат боши** (абзац), **мавҳум** (абстракт), **фаол** (авангард), **дастхат** (автограф), **манзил** (адрес), **иктибос** (цитата), **далил** (факт), **жавон** (шкаф), **юк** (багаж), **микроб** (бактерия), **базм** (бал), **бекаат** (остановка), **белбоғ** (бандаж), **мола** (борона), **қумуш** (бронза), **гулдаста** (букет), **шўрва** (бульон, суп), **нарса** (предмет), **вазир** (министр), **фахрий** (ветеран), **ривожланиш** (вегетация), **мита** (вилт), **дармондори** (витами́н), **мадҳия** (гимн), **уқалаш** (массаж), **зобит** (офицер), **аскар** (солдат), **қазилма** (руда) ва х.

2) 1991 йилдан ҳозиргача бўлган даврда ўзбек луғат бойлигига Европа тиллари таъсирида ўзлашган (аслида, тилда муқобили мавжуд бўлган ва шу муқобилни сиқиб чиқараётган) лексик бирликлар (одатда, ижобий баҳога лойиқ ҳолат эмас): Масалан,

**брокер** (даллол), **офис** (идора), **маркер** (қалам), **бизнес** (савдо), **глобал** (умумий), **наркоман** (банги), **маркет** (дўкон), **корзинка** (қулай дўкон), **бартер** (айрибошлаш), **бизнесмен** (савдогар), **менеджер** (ишбошқарувчи), **корпорация** (уюшма), **налог** (солиқ), **офлайн** (анъанавий), **форум** (тадбир), **виртуал** (ғойибона), **инфо** (хабар), **интер** (ўзаро), **виставка** (кўргазма), **имидж** (кўриниш), **стилист** (услубчи), **фотошоп** (сохта расм), **компетенция** (уқув), **компетент** (лаёқат), **профессионал** (тажрибали), **сет** (тармоқ), **анимация** (ҳаракатли), **навигация** (янгилик), **типр** (фильм ёзуви), **рекорд** (юкори натижа) ва х.

Масалан, *Ислохотлар натижасида бугунги кунда вилоятимизда 27 та янги бошлангич профессионал таълим тизимида кадрлар тайёрлайдиган касб-ҳунар мактаби, 17 та ўрта профессионал таълим тизимидаги коллеж, 19 та ўрта махсус профессионал таълим тизимидаги техникум ташкил этилди.* (<http://www.namhaqiqat.uz/>)



Жаҳонда глобаллашув жараёнлари чуқурлашаётган шароитда таржимоннинг касбий компетенциясини лингвистик ҳамда экстралингвистик компетенциялар орқали шакллантириши ва ривожлантиришига бўлган эҳтиёжни янада кучайтирди. (<https://samdchti.uz>)

Алишер Усмоновнинг биргина глобал коронавирус пандемияси ва мамлакат тарихидаги энг йирик техноген ҳалокат фонида Ўзбекистонга берган кўмагининг ўзи бир неча ўн миллион долларга етади. (<https://kun.uz>)

Аслида, бир лексик бирликнинг бошқа тилдан кирган муқобили тилда мавжуд шакли билан ёнма-ён қўлланилса, бу ўша тил луғат бойлигининг ошиши саналади. Аммо бошқа тилдан кирган муқобилнинг аслият ўрнида қўлланилиши тилнинг ўз бирлигини сиқиб чиқаришга олиб келади. Бизнинг давримизда бу ҳолатнинг ташаббускорлигини оммавий ахборот воситалари, айниқса, интернет тизими бажармоқда.

Бугун ўзбекча нутқларда қўлланилаётган анилаг, атрибут, аура, аквадаг, агрофон, адекват; волонтер, вилла, виски, валюта, викинг, википедия; гидромодуль, донор, диатез, дисплей, модератор, интерфейс, интергол, субтитр, субтропик, субарктика, субординация, онлайн, дидлайн, клипмейкер, харт, хакер, хоппер, фолловер, блогер, комент каби хорижий сўзларнинг барчасини соҳа мутахассислари керак ёки нокерагини саралаб олишга улгурыптилар деб бўлмайди. Масалан,

Косон туманида 1-сектор штаб биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Янги бинода сектор раҳбари, сектор котиби ва штаб аъзолари, тиббиёт, она ва бола, ошхона, дам олиш хоналари мавжуд. (<https://kun.uz>)

Тошкент кўрғазмасида қурилиши ва пардозлаш материаллари, уларни ишлаб чиқариш технологиялари, «MebelExpo Uzbekistan»да хонадон ва офис мебеллари, интерьерлар, иситиш ва совутиш, сунъий иқлим ҳосил қилиш, ҳавони тозалаш техникаси, сантехника ва сув ҳавзалари ускуналари тақдим қилинаётди. (<https://www.standart.uz>)

“Ўзбекконцерт” давлат муассасаси қошида бадиий кенгаш тузилган. Эндиликда лицензия олмақчи бўлган ижодкорлар таниқли клипмейкер, режиссёр, шоир, сайқалчи ва бастакорлардан иборат кенгашга жонли ижрода қуйлаб беришлари керак бўлади. (<https://translate.google.com>)

Субординация сақланмаган жойда иш фаолияти меъёрлари бузилади.

Волонтерлик фаолияти якка тартибда, волонтерлар гуруҳи таркибида ҳамда волонтерлик ташиқлотиди орқали амалга оширилиши мумкин. (<https://qoraqalpoq.adliya.uz>)

Баъзан шундай ҳолат рўй берадики, тил эгаси ўз тилида ёзилган (масалан, ўзбекча) матнни луғатсиз тушуна олмайди. Масалан, Волонтерлик фаолияти якка тартибда, волонтерлар гуруҳи таркибида ҳамда волонтерлик ташиқлотиди орқали амалга оширилиши мумкин гапи маъзини англаш учун киши қуйидаги изоҳга эҳтиёж сезади: “Волонтерлик” сўзи французча “volontaire” сўздан олинган бўлиб, «ихтиёрий», “ўз хоҳишига кўра иш қилувчи” деган маъноларни англатади. Волонтерлик ҳаракати–ҳозир дунёда кенг тарқалаётган машхур соҳалардан бири. Бунда маълум бир эзгу мақсадда жамиятда ҳар хил муаммога дуч бўлган, ёрдамга муҳтож инсонларга, уларнинг ҳаёти ҳар томонлама яхшиланишига қаратилган бепул хизмат кўрсатилади. (Демак, жумланинг мазмуни қуйидагича: **Беминнат хизмат** якка тартибда, гуруҳ таркибида ҳамда шундай ташиқлот орқали амалга оширилиши мумкин.)

Тўғри, вақт ўтиши билан тилнинг ўзи зарурларини сақлайди, зарур ҳисобламаганларидан воз кечади. Бунинг учун эса муайян (баъзан узок) вақт керак бўлади. Аммо бугунги кун кишиси учун ўзлашмаларнинг қай бирини қўллаш ёки уларнинг ўзбекча муқобиллари борлигини билишига соҳа мутахассислари кўмаклашиши зарур.

Сўз ўзлаштиришининг яна бир жиҳати муҳим. Ижтимоий ҳаётимизда содир бўлаётган туб ўзгаришлар, ривожланган дунё ҳамжамиятига интилиш, бозор иқтисодиётининг ривожланиши, илмий-техникавий тараққиёт ўзбек жамиятига янги тузилмаларни, соҳа ёки тармоқларни олиб кирмоқда. Бундай шароитда, табиийки, ўзимизда аввалдан мавжуд бўлмаган воқелик, албатта, турмушимизга ўз номи билан кириб келади ва биз уни қабул қилишимиз шарт бўлиб қолади. Масалан, узлуксиз таълим тизимининг олий таълимида

бакалаврлик ва магистратура каби босқичларининг юзага келиши натижасида ўзбек тили лексикасида инглиз тилидан ўзлашган *бакалавр*, *бакалавриат*, *магистр*, *магистрант*, *магистратура* каби янги сўзлар пайдо бўлди.

Булардан ташқари, ижтимоий ҳаётимизга компьютер технологиялари ёки интернет тармоғи кириб келдики, улар билан бирга ўзбек тилига юзлаб, минглаб янги лексик бирликлар ўзлашди ва ўзлашмоқда. Ўзбек жамиятида бу каби янгиланишлар илк бора юз бераётганлиги (ота-бобомиз компьютердан ёки интернет тармоғидан фойдаланиб кўрмаганлиги боис) учун *компьютер*, *интернет*, *кейс*, *монитор*, *экран*, *корпус*, *принтер*, *клавиатура*, *консоль*, *курсор*, *сканер*, *процессор*, *мегабайт*, *килобайт*, *гигабайт*, *винчестер*, *диск*, *дискета*, *сервер*, *провайдер*, *хостинг*, *портал* ва ҳ.

Манбаларда луғат бойлиги жиҳатидан рўйхатларнинг олд қаторидан уч ярим миллиондан ортиқ лексик бирлиги билан араб тили, икки ярим миллиондан ошиқ сўзи билан инглиз тили ўрин эгаллайди. Ўзбек мутахассисларининг ҳисоб-китобларига кўра, адабий тилимизга сўз танлашда “ҳасис”лик қилмасликни инглизлардан ўргансак (инглизларнинг луғатларидан маҳаллий шева сўзлари ҳам деярли тўлиқ ўрин эгаллаган), ўзбек тилининг сўз ва иборалари (шева ва адабий тил, касб-ҳунар сўзлари ва атамалар, эскирган ва янги пайдо бўлган сўзлар) замону макон нуқтаи назаридан чекланмай йиғилса, дунёда энг кўп сўзли луғатлардан ҳам каттароқ луғат тузишимиз мумкин экан. Ўзбек тилининг бошқа тил қолипларига тушмайдиган, ўзига хос ривожланиш йўллари мавжудки, бу унинг ҳар куни (баъзан ҳар соату дақиқада) бойиб боришини таъминлайди [7;9].

Жумладан, шу кеча-кундузда, бозорда ёки дўконда бирор янги (айтайлик, четдан келтирилган) маҳсулот растага ёки пештахтага чиқса (табiiйки, ўша маҳсулотнинг номи ҳам тилимизга кириб келади, ўзлашади), орадан ҳеч қанча вақт ўтмай халқ ўша янги маҳсулот ёки тушунчанинг номи билан боғлиқ янги сўзларни тилида ясаб нутқида ишлатаверади:

*глобал* (ўзлашган сўз) – *глобаллашган*, *глобаллашув* (ясалган сўзлар);

*сканер* (ўзлашган сўз) – *сканерли* (*хона*), *сканерсиз* (*нухалаш*), *сканерламоқ*, *бесканер* (*ишламоқ*), *сканер қилмоқ* (ясалган сўзлар);

*кардиган* (аёлларнинг енгсиз уст кийими; ўзлашган сўз) – *кардиганли*, *кардигансиз*, *бекардиган*, *кардиганбоп*, *кардиганфуруши*, *кардигандўз*, *кардиганнамо* (ясалган сўзлар);

*интернет* (ўзлашган сўз) – *интернетли*, *интернетсиз*, *интернетбоп* (*видео*), *интернетчи*, *интернетсоз* (ясалган сўзлар);

*хотдоғ* (ўзлашган сўз) – *хотдоғчи*, *хотдоғфуруши*, *хотдоғпаз*, *хотдоғли* (*дастурхон*), *хотдоғсиз* (*тушлик*), *хотдоғхўр* (ясалган ёки ясалаётган сўзлар) ва ҳ.

Хўш, ўзбек тилига ўзлашаётган ёки аллақачон ўзлашиб улгурган, ўзлашмалар асосида тилнинг ички имкониятларига таяниб янгидан ясалаётган бирикларни ўзбек луғатлари қай даражада қамраб олмақда? Бу саволга, афсуски, ижобий жавоб қайтариш мушкул.

Зеро, глобаллашув жаҳон тилшунослигида тилга миллий маданият феноменининг асосий белгиси сифатида ёндашувни юзага келтирди. Бу эса тил эгаларининг ўз она тилисидан амалий фойдаланиш компетенциясини ривожлантиришга бўлган талабни оширди. “Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир” [1;4].

Ўтган аср бошларига келиб жаҳоннинг кўпгина ривожланган давлатларида нафақат тил ўрганиш, балки интеллектуал салоҳияга эга, юксак маънавиятли, умуммиллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ шахсни тарбиялашнинг муҳим воситаси сифатида луғатлар тан олинди. Тилшунослик олдига муҳим ижтимоий-сиёсий буюртма – она тилидан амалий фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва хорижий тилларни тезкор ўргатишга хизмат қилувчи ўқув луғатларини яратиш вазифаси қўйилди.

Аммо ўзбек луғатчилигидаги энг катта нашр 5 томли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” 2002-2008 йиллар оралигида яратилганлигини инобатга олсак, бу луғат (истеъмолчилар кўлига етиб улгурмай) нашр кунининг эртасигаёқ эскирганлигини тасаввур этиш қийин эмас.

Сабабки, бошқа тилларда бўлгани каби ўзбек тилида ҳам ҳар куни, таъбир жоиз бўлса, ҳар соатда тилнинг луғат таркибида ўзгариш рўй берапти. Бу ўзгаришларни қамраб олиш учун эса ўзбек жамияти турли хилдаги лексик луғатларга, масалан, изоҳли, синонимик, антонимик, омонимик, этимологик, вариант, ўзлашма, ассоциатив, энциклопедик луғатларнинг мунтазам янгилашиб, бойиб борадиган электрон ўқув-тезауруслар, корпуслар, онлайн ва офлайн тартибда ишлашга мўлжалланган компьютер луғатларига эҳтиёжманд [5;6].

Мустақилликка эришилгач юртимизда луғатчилик бирмунча жонланди; сиёсий, маънавий, ижтимоий жиҳатдан эскирган луғатлар тўлдирилди, тозаланди, қайта нашр қилинди. Бироқ бу “тўлдирилган нашрлар”, “қайта нашрлар” ўзбек жамиятида яшаётган, фаолият кўрсатаётган тўлақонли шахсининг тилдан фойдаланиш эҳтиёжини қондира олмайди. Оддий бир мисол: интернет кидирув тизимида мактаб ўқувчиси учун мўлжалланган ўқув луғатини излаш бўйича топшириқ берилса, инглиз, рус, француз, испан, немис, араб, хитой, корейс, украин, япон, татар, козоқ тилларида сон-саноксиз янги авлод луғат-қўлланмалар чиқиб келаверади. Ўзбек тилида мактаб ўқувчиси ёки мактабгача ёшдаги болалар учун яратилган луғатлар санокли, улар ҳам даврий ўзгаришлар билан ҳамқадам эмас.

Масаланинг яна бир жиҳати бор. Тил эгаларини луғатлардан доимий фойдаланишга одатлантириш энг муҳим масала. Чунки эҳтиёжни қондирувчи маҳсулотлардан эҳтиёжмандлар тўғри ва ўринли фойдаланишни ҳам билишлари керак. Мазкур масала ечимини мактабдан –бошланғич таълимдан бошлаган маъқул. Бугунги ўта шиддаткор ва ахборот манбаларининг сон-саноксиз турлари мисли кўрилмаган даражада тараккий этган бир даврда зарур маълумотни тез ва қулай излаб топа билишга мўлжалланган замонавий луғатлар бошланғич таълим, ўрта умумий таълим босқичларида ўқитиладиган она тили дарсларининг ўқув-методик таъминотини ташкил этиши зарур.

Хулоса шуки, биринчидан, ўзбек тили лексикасига ўзлашаётган янги бирликлар хамиша мутахассисларнинг диққат марказида бўлиши ва тил луғат таркибида миллий маданиятни сақлаб туришга эришилмоғи муҳим. Мазкур фаолиятнинг натижаси эса электрон ўқув-тезауруслар, корпуслар, онлайн ва офлайн тартибда ишлашга мўлжалланган компьютер луғатларда акс этиб туриш билан характерланади. Иккинчидан, мактаб она тили таълими олдида ҳукумат томонидан ўзбек тилида мустақил ва ижодий фикрлай оладиган, ўз фикрини оғзаки, ёзма шаклларда тўғри ва раво баён қиладиган, ўзгалар фикрини англайдиган, мулоқот ва нутқ маданияти ривожланган, китобхонлик маданияти шаклланган шахсни камол топтиришдан иборат муҳим ижтимоий вазифа қўйилиши она тили дарсликларига ёрдамчи восита– ўқув луғатлари, ахборот банклари ва лексик минимумларга бўлган эҳтиёжни оширмоқда. Давримиз тилшунослари ўқув луғатчилигига катта эътибор қаратишлари, яъни таълимнинг муайян тизимига мансуб ўқувчининг онгида оламнинг лисоний манзарасини акс эттириш ва тилдан амалда фойдаланиш компетенциясини шакллантириш учун хизмат қиладиган, маълумотни тезкор ва қулай тақдим этадиган ўқитиш воситасиларини яратиб бермоқлари зарурлигини давр тақозо этмоқда.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. [Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 2-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2000.](#)
3. Йўлдошев Б. Ўзбек лингводидактикаси тараккиётида ўқув лексикографиясининг ўрни масаласига доир // Навоий ДПИ ахборотномаси, 2015, 1-сон. – Б. 66-72.
4. Менглиев Б.Р., Баҳриддинова Б.М. Ўқув луғатчилиги: талаб ва эҳтиёж/ Айюб Ғулом ва ўзбек тилшунослиги масалалари. Илмий тўплам. – Тошкент, 2009. – Б.34-41.
5. Юлдашева Дилором Нигматовна. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида таълим мақсадини белгилашнинг дидактик асослари: педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.–Тошкент, 2007.–124 б.

6. Dilorom Nematovna Yuldasheva. Problems of national language education at school. Volume 4 Issue 3 BSU 2020 (3) Published by 2030 Uzbekistan Research Online, 2020 <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol4/iss3/15/>
7. Юлдашева Д. Н. Сукут нуткий мулоқотнинг таркибий қисми сифатида //Сўз санъати халқаро журнали. – 2020. – Т. 3. – №. 3. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)
8. Tueva Zulfiya Nozimovna, Yuldasheva Dilorom Nigmatovna. Statement and about its types. International Scientific Journal ISJ Theoretical & Applied Science Philadelphia, USA issue 01, volume 93 published January 30, 2021. – Pag.72-77. <https://elibrary.ru/item.asp?id=44644256>
9. **YULDASHEVA DILOROM NIGMATOVNA. Silence-is a nonverbal unit of speech communication. Impact Factor (SJIF 20 20= 6.156) “American Journal of Research”, 2020, 11-12 issue of the Journal.– Pag.87-95. [https://journalofresearch.us/wp-content/uploads/2020/12/2020\\_11\\_12-AJR\\_11.pdf](https://journalofresearch.us/wp-content/uploads/2020/12/2020_11_12-AJR_11.pdf)**
10. R.K.Ashurbaeva. Ways of effective Implementation of Integration. Middle European Scientific Bulletin. Volume 10, March 2021. ISSN 2694-9970. Pag.45-51. <https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/view/308>
11. **Ашурбаева Рукия Каххоровна. Интеграционный подход в системе образования. Colloquium-journal (ISSN 2520-6990 ISSN 2520-2480). (Warszawa, Polska).– №12 (64), 2020 Część 3 (DOI: 10.24411/2520-6990-2020-11799). <https://cyberleninka.ru>**
12. **G.T.Chullieva. Intonema and its Types. Middle European Scientific Bulletin. Volume 10, March 2021. ISSN 2694-9970. Pag. 91-95. <https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/view/314>**
13. Sayfullayeva R., Mengliyev B., Raupova L., Qurbonova M., Abuzalova M., Yuldasheva D. Hozirgi o`zbek tili. Darslik. – Germaniya: “Globe Edit international Publishing Group” ISBN: 978-620-0-61410-0. – 2020.–555 b.
14. DY Yusupova. Poetess Khalim Khudoyberdieva and his skill in use of the word. International Scientific Journal ISJ Theoretical & Applied Science Philadelphia, USA issue 01, volume 93 published January 30, 2021.–Pag.238-241. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=44644284>
15. Dildora Yunus kizi Yusupova. About Polisemantic Words (on the example of the poems of the Uzbek poetess Khalima Khudoyberdiyeva). Middle European Scientific Bulletin. Volume 10, March 2021. ISSN 2694-9970. Pag.384-389. <https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/view/367>